

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАДАНИЯТ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2018-  
ЙИЛ 19-ИЮНДАГИ 458-СОН ҚАРОРИ  
БИЛАН ТАСДИҚЛАНГАН  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ БУДЖЕТИДАН  
МОЛИЯЛАШТИРИЛАДИГАН ДАВЛАТ  
МАДАНИЯТ МУАССАСАЛАРИ  
ХОДИМЛАРИ МЕҲНАТИГА ҲАҚ  
ТЎЛАШ БЎЙИЧА БАЗАВИЙ ЛАВОЗИМ  
МАОШЛАРИ МИҚДОРЛАРИГА  
ҚЎШИМЧА ВА ЎЗГАРТИРИШ  
КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА**

**[Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021-йил 22-октабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3329]**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 26-майдаги ПҚ-4730-сон “Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги [қарори](#) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019-йил 26-декабрдаги 1040-сон “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамаси ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи ходимларининг меҳнатини рағбатлантиришга доир ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги [қарорига](#) асосан буюраман:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018-йил 19-июндаги 458-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштириладиган давлат маданият муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича базавий лавозим маошлари [миқдорларига](#)иловагамувофиқ қўшимча ва ўзгартириш киритилсин.
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштириладиган давлат маданият муассасалари 2021-йил 1-январдан давлат музейлари, музей-қўриқхоналари, уй-музейлари ва бошқа музей туридаги ташкилотлардаги маъмурий-бошқарув, ижодий ходимлари ва мутахассисларининг меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича базавий лавозим маошлари миқдорлари ўзгарганлигини ҳисобга олиб иш ҳақларини қайта ҳисоблаб тўланишини таъминласин.
3. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан келишилган.
4. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

### **Вазир О. НАЗАРБЕКОВ**

Тошкент ш.,

2021-йил 29-сентябр,

404-сон

Келишилди:

### **Молия вазири Т. ИШМЕТОВ**

2021-йил 20-сентябр

### **Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири Н. ХУСАНОВ**

2021-йил 26-август

Ўзбекистон Республикаси маданият вазирининг 2021-йил 29-сентябрдаги 404-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018-йил 19-июндаги 458-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштириладиган давлат маданият муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича базавий лавозим маошлари**

## **миқдорларига киритилаётган қўшимча ва ўзгартириш**

1. 6-иловақуйидаги мазмундаги изоҳ билан тўлдирилсин:

“Изоҳ: маъмурий-бошқарув ходимларининг базавий лавозим маошлари миқдорлари:

фан доктори илмий даражасига ёки фан доктори (Достор оф Ссиенсе) ёки хорижий давлатларнинг уларга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларга эга бўлганларга — 2,5 коэффитсиентга оширилган ҳолда белгиланади;

фан номзоди илмий даражасига ёки фалсафа доктори (Пх.Д) ёки хорижий давлатларнинг уларга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларга эга бўлганларга — 2 коэффитсиентга оширилган ҳолда белгиланади.”.

2. 7-илованинг изоҳ қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Изоҳ:

Ижодий ходимлар ва мутахассисларнинг базавий лавозим маошлари миқдорлари:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи ва ҳудудлардаги олий таълим муассасалари тузилмасидаги “Қатағон қурбонлари хотираси” музейлари, Ўзбекистон давлат санъат музейи, “Самарқанд” давлат музей-қўриқхонаси, “Бухоро” давлат музей-қўриқхонаси, “Ичан қалъа” давлат музей-қўриқхонаси, И. Савитский номидаги Қорақалпоғистон Республикаси давлат санъат музейи, Ўзбекистон давлат табиат музейи, Ўзбекистон амалий санъат ва ҳунармандчилик тарихи давлат музейи, Фанлар академияси музейларнинг базавий лавозим маошлари миқдорлари 1,17 коэффитсиентга;

вилоятлардаги тарих ва маданият давлат музейларида базавий лавозим маошлари миқдорлари — 1,08 коэффитсиентга оширилган ҳолда белгиланади;

фан доктори илмий даражасига ёки фан доктори (Достор оф Ссиенсе) ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларга эга бўлганларга — 2,5 коэффитсиентга оширилган ҳолда белгиланади;

фан номзоди илмий даражасига ёки фалсафа доктори (Пх.Д) ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларга эга бўлганларга — 2 коэффитсиентга оширилган ҳолда белгиланади.”.